ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДОВ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ В ЛЕЧЕНИИ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПЕЧЕНИ
USING THE METHODS OF FOLK MEDICINE IN THE TREATMENT OF LIVER DISEASES

Асқаров Иброҳим Раҳмонович
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, к.ф.д., профессор.
Хожиқулов Азизбек Собирович
Андижон давлат университети, кимё кафедраси
катта ўқитувчиси, к.ф.ф.д.(PhD)
xojiqulov76@inbox.ru; +998-97-339-04-76
Тиллаволдиева Моҳичехра Акбаржон қизи
Андижон давлат университети
кимё кафедраси 4-курс талабаси.
mohichehratillavoldiyeva@gmail.com.тел;+998930720675

Анатация: Мақолада жигар касалликларини келиб чиқиш сабаблари ва уларни халқ табобати усуллари билан даволаш бўйича маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: жигар касалликларини сабаблари, жигар церрози, гепатит, ўткир гепатит, сурункали гепатит, дамламлар билан даволаш, анъанавий тиббиёт.

Анатация: В статье приведены сведения о причинах заболеваний печени и их лечении методами народной медицины.

Ключевые слова: причины заболеваний печени, цирроз печени, гепатит, острый гепатит, хронический гепатит, лечение настойками, народная медицина.

Annotation: The article provides information about the causes of liver diseases and their treatment by traditional medicine.

Key words: causes of liver diseases, cirrhosis of the liver, hepatitis, acute hepatitis, chronic hepatitis, treatment with tinctures, traditional medicine.

Инсон организмида жигар ўндан ортиқ ҳаётий вазифаларни бажаради, уни улкан заводга қиёслаш мумкин. Унинг аъзолари — гепатоцитлар ўзига хос жамоаларни ташкил этади. Жигарда бундай функционал бирикмалар жуда кўп ва улар нобуд бўлган аъзоларининг ишларини ўз зиммасига олишга қодир. Шунинг учун, агар бу без касалланадиган бўлса, патология аломатлари дарҳол пайдо бўлмаслиги мумкин. Жигар касалликлари кўпинча яширин тарзда ўтади. Шунингдек, липид алмашинувини бузилиши, алкогол ва унинг қайта ишланган

маҳсулотларини истеъмол қилиш, жигарга зарарли дори истеъмол қилиш, вируслар, жигарда қон таъминотини издан чиқиши ва тўқималарни сиқиб қўядиган ва уларни озиқланишини бузадиган турли хил ўсмалар жигар касаллигини келтириб чиқаради. Жигар касалликлари ичида кенг тарқалгани жигар циррози ҳисобланади[1].

Жигар циррози жигарнинг сурункали ривожланиб борадиган касаллиги. Бунда жигар тўқимаси яллиғланиб, унинг бир қисми бириктирувчи тўқима билан алмашинади. Жигарнинг ўткир яллиғланиши –гепатитда, унинг Б, С, Д формаларида, ўткир гепатит сурункали гепатитга айланаётганда, безгак, сил, заҳм, бруцеллёз каби юқумли касалликларда, ўт пуфаги ва ўт йўлларининг сурункали яллиғланишида пайдо бўлади. Бу касаллик аломатларида бемор дармонсизланади, озиб кетади, иштаҳадан қолади, кекиради, кўнгли айнийди, баъзан қусади, ичи кетади ёки қотади, қорни дам бўлади, тана ҳарорати кўтарилади, бурни қонайди, бадани қичишади, камқонлик авжига чиқади, жигари ва айниқса талоғи катталашади[2].

Жигар касалликларини халқ табобати усуллари билан даволаш, синтетик дори воситалари каби ножўя таъсирга эга эмас. Бундан ташқари беморлар учун шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиган озиқ-овқат қўшилмалари ва халқ табобати усуллари билан даволаниш иқдисодий жиҳатдан анча арзонга тушади. Жигар касалликларини даволашда фойдаланиладиган халқ табобати усулларидан бири асал ва қавоқ асосида даволаш ҳисобланади. Ўрта катталикдаги қовоқ олиниб, яхшилаб ювиб, юқори қисми кесилади, уруғларидан тозаланади. Ичига асални солиб қопқоғини ёпиб ва икки ҳафта давомида қоронғи жойга қўйилади. Кейин олинган маҳсулот идишга қуйиб сўнг музлатгичда сақланади. Кунига уч марта бир ош қошиқдан ичилади. Шу йўсинда бир ой давом эттирилса жигар циррозига даво топиш мумкун. Бу усул жарроҳлик усулидан самарали ва хафсизроқ ҳисобланади[3].

Жигар касаллигини халқ табобат усуллари билан даволаш “Табобат қомуси” ва “Сирли табобат” китобида ҳам касалликка қарши даволаниш даврида турли ўсимликлардан тайёрланган дамламалардан фойдаланиш яхши самара бериши батафсил ёритиб берилган.

Жўхор жигарни даволаш ва тозалаш учун ишлатилади. Жўхори ёрмаси тозаланган ҳолда, бутун соф доналар, бўлаклар ва ун (жўхори уни) шаклида қўлланилади, бу ўзига хос рецептга боғлиқ. Шифокорларнинг шарҳларига кўра, жўхори жигар учун энг яхши дорилардан биридир.

Танадан токсинларни олиб ташлаш учун тозаланган жўхори донлари-нинг қайнатмаси ишлатилади. Бир ярим литр илиқ сув учун 2 ош қошиқ дон олиб ярим соат давомида паст оловда қайнатилиб дамлама тайёрланади. Бу тайёрланган дамлама кунига уч марта овқатдан 15 дақиқа олдин ярим стакандан ичилади.

Даволашни бошлашдан олдин, уч кун давомида гўшт ва балиқ овқатларидан воз кечиш керак, акс ҳолда жигар тозаланмайди[3].

Жўхори ёрмаси нафақат тозалаш учун самарали - улар гепатоз ва циррознинг дастлабки босқичини даволаш учун ишлатилади. Ушбу мақсадлар учун қуйидаги тартибда дамлама тайёрланади: 200 грамм тозаланган донни яхшилаб ювиб, қуритилади ва ун ҳолатига келтирилиб элакдан ўтказилади. Олинган жўхори унининг бир ош қошиғини бир литр қайноқ сув билан аралаштириб, 12 соат давомида термосда сақланади. Сўнг суюқликни дока ёрдамида сузиб олиниб, нонушта, тушлик ва кечки овқатдан 20 дақиқа олдин кунига ярим литр ичилади. Даволаш курси - уч ой.

Жигарни халқ табобати усуллари билан даволаш ва тиклаш терапиядан воз кечиши керак бўлган яна бир тоифа - ҳомиладор ва эмизикли оналар учун тавсия этилади. Жигарни жўхори билан даволашнинг бутун даври учун чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш мумкин эмас.

Иккита лимон олиб, улардан бирининг қобиғи олиб ташланади. Бир ярим бош саримсоқни тозалаб уларни барчасини гўшт майдалагичдан ўтказилади. Тайёрланган аралашмага юз грамм зайтун мойи ва 500 грамм асал қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил қилинган махсулот музлатгичда сақланади. Нонушта, тушлик ва кечки овқатдан ярим соат олдин икки қошиқдан ичилади. Ушбу рецепт бўйича даволаниш ҳатто жигар циррозига ҳам даво бўлади[4].

Хулоса қилиб айтганда жигар касалликларини замонавий тиббиёт усулларига кўра даволашда теропевтик ташҳис тўғри қўйилгандагина самарали бўлади. Шифокорлар томонидан ишлатиладиган синтетик дори воситалари жигар касалликларини даволаши мумкун, бироқ бу синтетик дори воситалари ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди ва кўпинча ножўя таъсири туфайли турли хил салбий оқибатларга олиб келади. Касалликни ўсимликлар билан даволаш йўли билан фитотерапия орқали касаллик сабабларини бартараф қилиш, ўсимликлар минимал миқдордаги қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирга эгалиги, шифобахш гиёҳлар касалликни даволашдан ташқари, тўқималарни витаминлар ва бошқа озиқа моддалари билан бойитиши ва бу озиқ-овқат қўшилмаларини нархлари ҳамёнбоплиги каби бир неча фойдали томонларга эга. Бу ҳолатларни ҳисобга олиб жигар касалликларини халқ табобати усулири билан даволаш яхши самарага эга деб ҳисоблаш мумкун. Шунинг учун биз халқ табобат усуллари билан жигар касалликларини даволашда табиий аралашмалар, озиқ-овқат қўшилмалари ва дамламаларни қўллашни тавсия этамиз.

Фойдаланиган адабиётлар:

1. М.Қаюмова “Жигар касалликлари”,Адабиёт учқунлари нашрёти-2016 й.

2. Ф.Э.Нурбоев, Ф.Ф.Эргашев Ибн Сино таълимотида жигар касалликлари таснифи ва диагностикаси; Ибн Сино таълимоти фан тараққиётида VII халқаро Ибн Сино ўқишлари. Бухоро.- 2013.-С.78-79.

3. И.Р.Асақаров. “Табобат қомуси” Тошкент. “Мумтоз сўз”,2019.-1011-б.

4. И.Р.Асқаров Сирли табобат.//Фан ва технологиялар нашриёти-матба уйи.-2021. 796-798 б.